

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 63 (3545).

29

м а р т

ЧОРШАНБА

1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

КУЧАТ ЭК,
БОҒ ҚИЛ

БОҒ ОШИҒИ

Хусан бой ама қарда ишлаган бўлса дархат экиб қўйиб, боғ барпо этиб эл дастурхонини оёқ қилган ишчилардан. Икки тарафиди миза-тераклар қад қўтарган сўлим қўчалар, ширин-шарбат мева йиғиб олиётган қўзал боғларда Хусанбой ақанинг қўли бор, маслаҳати бор.

Хусанбой ама ҳозирги вақтда ўз қишлоғи — Урта Чирчиқ районидан Энгельс номи колхозда боғ бригадари бўлиб ишлаётди. Бу вақтда унинг айни мўддаси эди.

Район марказига яқин жойлашган бу колхознинг боғла-

рида олма, анор, шафтоли-олхўри ва бошқа шўлар сингари анвойи мевалар яхши ўсиб, тўқиб ҳосил бермоқда. Ўтган йили 38 гектар ерда олмазор боғ бор эди. Колхоз правлениеси Ризамат ота Мусамухамедовнинг чақирғи асосида боғдорчиликни янада кенгайтиришга қарор қилди. Қўлдамда 3 минг туп олма, минг туп олхўри, минг туп гилос ва жуда қўллаб олча қўчатлари ўтказилди.

— Боғларимиз кенгайган сари жуда суноаман, — дейди Хусанбой ама, — чунки меҳнатнашлар боғ-бондан, дехқондан

кўп маҳсулот оёса улар ҳам миннатдор, биз ҳам ўз касби-мизни ўрнига қўйган бўламиз.

Кекса дехқон, уста боғбон Хусанбой ама Холбеков колхозда боғдорчиликни моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда. Унинг бу ишда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти катта ёрдам қўрғатапти. Ризамат ота айтганда, бу колхозда ҳам боғлар кенгайди, юбилей йилида боғбонлар эл дастурхонига мўл-кўл мева-ча ва тортиқ етди.

Т. НҲЛДОШЕВ.

ЮБИЛЕЙГА ШАХСИЙ СОВҒАЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИНИНГ МАШИНИСТИ А. МАРАКАЕВ ВА ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ЗАВОД ТОКАРИ М. СЕРГЕЕВЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ ҲАҚИДА

Тошкент тепловоз депосининг машинисти А. Маракаев ва Октябрь революцияси номи тепловоз-вагон ремонт заводи токари М. Сергеев ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил 4 январдаги «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қароридан бениҳоя руҳланиб, ажойиб ватанпарварлик ташаббуси бошладилар — шонли юбилейни шахсий меҳнат тортиқлари билан кутиб олишга аҳд қилди.

А. Маракаев ва М. Сергеев ўртоқлар Улуғ Октябрьнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат нахтасида туриб ишлаб, 1967 йил планини 7 ноябргача, беш йиллик топиригини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олинди.

Ўртоқ А. Маракаев авариясиз ишлаш, локомтивнинг техника эксплуатацияси қондаларига қатъий амал қилиш йўли билан ёнлиги сарфёбини пландагига қараганда 5 процент камайтириш ва юбилей йилининг икки ойида тежа қозинган ёнлиги билан ишлашга қарор қилди.

Ўртоқ М. Сергеев юбилей йилида зиммасига юксак мажбуриятлар олди. У иш вақтининг ҳар бир дақиқасини тежаб, асбоб-ускунанинг тўла ишлашини таъминлаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 10 процент ошириш, унга рационализаторлик таклифи киритиш, беш йил ўз станогиде жорий ва капитал ремонтсиз ишлашга аҳд қилди. У корхона қўлига 3 минг сўм шахсий жамғарма берди.

А. Маракаев ва М. Сергеев ўртоқлар республика газеталари, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида босилган ўз мақолаларида саноат корхоналари, қўрилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларининг ҳар бир ишчисини Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун шахсий марралар белгилаш, резервларини аниқлаш ва уларни ишга солишга астойдил иштироғига чақирдилар.

А. Маракаев ва М. Сергеев ўртоқларнинг бу ватанпарварлик ташаббуси область меҳнат-

кашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Область партия комитети А. Маракаев ва М. Сергеев ўртоқларнинг жуда катта унум-дават аҳамиятига эга бўлган бу ташаббусини маъқуллади.

Область партия комитети шаҳар ва район партия комитетлари, саноат корхоналари, қўрилишлар, транспорт, алоқа, колхоз ва совхозлар бошлангич партия ташкилотлари, касабасоюз ва комсомол ташкилотлари, ҳўжалик раҳбарлари зиммасига Улуғ Октябрьнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириш учун ҳамма жойда илгор ишчилар А. Маракаев ва М. Сергеев ўртоқларнинг ташаббусини кенг оммалаштириш вазифасини юклди.

Область, шаҳар, район ва кўпсухали газеталар редакцияларига меҳнатнашларнинг ватанпарварлик ташаббусини ва Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошлангич социалистик мусобақани матбуотда кенг ёритиш таклиф қилинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Тошкент области колхоз ва совхозларининг пахтакорлари чигит экишга киришдилар. Ок-тябрь, Янгийўл, Бекобод ва Урта Чирчиқ районларининг механизаторлари биринчи бўлиб, далаларга ўз агрегатларини олиб чиқдилар.

Бекобод районининг «Ғалаба» колхозидан комплекс механизацияланган звено бошлиғи Маман Мамавазаров биринчи кунининг ўзидеёқ янги ўзлаштирилган 5 гектар ерга чигит экиди. Мамавазаров Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига 78 гектар ерининг ҳар гектарига 30 центнер ҳосил ештириш мажбуриятини олди.

2-«Далварани» совхозда звено бошқарувчиси Эргаш Ха-йитбоев, Абдуқосим Тошматов ва Гафуржон Махмудов чигит экиш кўнлиги топиригини ошириб бажардилар.

Чигит яхши тайёрлаб қўйилган ерга экилмоқда, айни вақтда тупроққа азотли ва фосфорли ўғитлар солинмоқда.

ОБЛАСТЬ ЮБИЛЕЙ
КОМИССИЯСИДА

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

ретари ўртоқ Шарипов шу тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ўз сўзида республика «қўмюр кочегараси»нинг меҳнатнашлари бўлажак юбилей шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборганликларини таъкидлаб ўтди. Шаҳар саноати шу йилнинг икки ойи давлат планларини ошириб бажарди. Тошкентдан ташқари 253 минг сўмлик маҳсулот, жумладан 12600 тоннадан ортиқроқ кўмир, қариб 300 тонна цемент ишлаб чиқарилиди.

Шаҳарни ободонлаштириш ва кўчаларнинг кенгайиши борасида катта ишлар қилинапти. Ўтган йили ой ичида 26 минг квадрат метрдан ортиқ йўлга тош ётқизилди, 3700 квадрат метр йўлнинг ремонтдан чиқарилиди, 3340 погон метр узунлидаги ариқлар текисланди. Қўчаларда кундузи ёруғ бериб турувчи 150 лампа ўрнатилди.

Шаҳарнинг ҳовли ва кўчаларида тартиб ва озодаликни йўлга қўйишда меҳнатнашлар фаол қатнашяптилар. Шаҳар территориясини тозалаш бўйи-

ча шамабалик ва яшанбаликлар мунтазам равишда ўтказилиб турилибди. Оқангаронда 50 минг тупдан ортиқ мева ва манзарали дархат ҳамда қўчалар ўтказиб бўлинди.

Леңиния пропагандаси анча актив олиб боришмоқда. Корхоналар, қўрилишлар, муассасалар ва ўқув юртида мунтазам равишда шонли юбилейга бағишланган лекциялар ўқилинмоқда, суҳбатлар ўтказилмоқда. Шунингдек граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ишлаб чиқариш илгорлари билан учрашувлар тез-тез ташкил қилинапти.

Оқангарон меҳнатнашлари шаҳар расмларининг шонли юбилейга бағишланган асарларини иштирокчилари катта қизилар билан кутиб олдилар. Шаҳар Улкашунослик музейида Оқангарон тарихини яратиб бўйича тўғрақ ишлай бошладилар. Шу билан бирга юбилейга тайёргарлик ишлари жиддий камчилар ҳам бор. Докладчи ана шу камчиларни тилга олиб область ташкилотлари бу борада қатор масалаларни ҳал этишлари лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҚИШЛОҚ ЭРТАСИ

Кейинги кезларда қад қўтарган 80 та янги тилдаги уй-йўлар, мактаб, янги радиоузел биноси қишлоқ ҳуснини очиб юборди. Янгида 60 тоқмага мўлжалланган автомат телефон станцияси ҳам ишга туширилди.

Бўқадаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозиде юбилей йилида яна бир қатор бинолар қад қўтарилди. Салкам 400 ўринлик клуб, янги ҳаммом, бир неча типовой дала пийлонлари шулар жумласидандир.

С. ШАРПОВ.

МУҚАДДАС БУРЧ

Шу кунларда фабрикамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари билан суҳбатлашсангиз, қалбингиз қувончларга тўлади. Бунинг босқи бор. Ҳаммамнинг дилида ҳам, тилида ҳам бир мақсад — Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш ишқийки тўғри урпақти. Барча ишчилар юбилей олдиде социалистик мусобақасига қўшилишган. Ҳозир ил янгириш, калава ўраш, тўқиб, чигга гул босишда сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича белгиланган топириқлар тўла ва ошириб бажарилапти.

Юбилей йилида ҳар биримиз зиммасига конкрет мажбурият олганмиз. Эндигинда бутун куч-гайратимиз, билим-тажрибамизни шу мажбуриятни шараф билан бажаришга қаратяптимиз.

Юбилей йили нормасини муддатидан 20 кун олдин бажараман, — дейди қатъий ишонч билан ил янгирувчи О. Тоҳирова, — бунинг учун гайратга-гайрат қўшиб меҳнат қиламан. Дастгоҳлар қувватидан тўла фойдаланаман. Эллик иллик байрамга меннинг совғам шу бўлади.

Тўйга тўйна билан бориш одатимиз бўлиб қолган, — қувонч билан сўзлайди ишчи Ф. Ғабитова. — Мен ҳам кўплар қатори тўйга тўйна тақдирлашга аҳд қилдим. Пландан ташқари қамиде 3 тонна ил янгириб бераман. Маҳсулотнинг 98 процентини биринчи сортга топираман.

Рохила Тоҳирова ҳам байрам олдиде мусобақасида актив қатнашяпти. У юбилейни маҳсулот таннаҳини анча арзонлаштириш билан кутиб олмоқчи. Қўнғиқи ҳақда ҳамма ишчи зиммасига конкрет мажбурият оляпти ва уни шараф билан бажаришга ошиқ-

апти. Уларнинг ҳар бири сменада графикада кўзда тутилган 150 килограмм, зўнча — 165-170 килограмм, қатто ундан ошириб илгичка толали ил янгиришқадлар. Натижада ҳечимиз бўйича ояллик топириқлар мўваффақиятли бажарилапти, пландан ташқари кўп-ла ил тайёрланапти.

Касбиимиз жуда нозик — ил янгириш ва калавалаймиз. Илгичка ва пишик толали илн қанча кўл тайёрласак, биринчи сорт газлама шўнча кўпайверади. Чунки илгичка толали илдан энг нафис ва гўзал газлама тўқилади. Шу сабабли ўзаро мусобақалашиб, илгичка толали илн кўпроқ тайёрлашга иштироқимиз. Бундан давлат ҳам, ишчилар ҳам манфаат кўради.

МАРАКАЕВ НЗИДАН

Комбинат илгичини уйимиз ҳисобланади. Отан Нишонбой Нурматов ҳамон 2-тўқув фабрикасида мастер ёрдамчиси бўлиб хизмат қилапти. Онам узоқ йиллар давомиде 1-тўқув фабрикасида ишлаб, ҳозир пенсияга чиқди, илгичий меҳнат гаштини суряпти. Синглим Раҳима пардозлаш фабрикасида ишлайди. Узим ҳам шу даргоҳда қамолга етдим. Бу ерда меҳнат шон-шараф ишига айланган. Агрегатлар оғиримизни енгил қилапти. Қўл меҳнати ишлатиш тобора қамаймоқда.

Меҳнат ақлининг самарали иш-лаши, унумдорлигини ошириш, ташаббус кўрсатиш учун ҳамма шарт-шароит қратиб берилган бу ерда. Барақали меҳнат қилётган ишчиларнинг иш ҳақи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жуда кўп

ишчиларимиз енгил машиналар, мотоцикллар сотиб олишди, шўнаминга уй-жойлар билан таъминландилар. Марказий курортлар, дам олиш уйлариға бориб даволашётган, маданият ҳордиқ чикараётган кишилар минглаб топилади. Бизда. Бундай бахтли ва фаровон ҳаётни бизга Улуғ Октябрь, доно Коммунистик партия, жонжон Совет ҳукуматимиз берди. Бу ғамхўрликка жавобан бир гайрате ўн гайрат қўшиб ишлашимиз, халқимизга ҳар қанчонгидан ҳам кўп ва сифатли газламалар етказиб беришимиз керак.

Комбинат ишчилари ҳаётда қандай ўзгаришлар рўй берганини ўз турмушимиздаги кичкина бир мисолда кўрсатиб ўтмоқчиман. Мен комбинатда ҳалол меҳнат билан бахт топган минглаб аёлларнинг бириман. Шу даргоҳда ишлаб шонли Ленин партияси сафига аъзо бўлдим. Икки марта район Советига, уч марта шаҳар Советига депутат қилиб сайландим. 1966 йилда «Меҳнатда ўрнатқурсатганлик учун» медали билан мукофотландим. Уй-рўзгордан қамчилик жойим йўқ, оила аъзоларимиз билан тинч ва бадавлат ҳаёт кечиряптим.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллик юбилеи тобора яқинлашмоқда. Ана шу улуғ айёмни меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олайлик. Мен маҳсулот тайёрлаш ил кўпайтириш билан бирга, 25 шоғирда ил янгириш хунарини ўргатаман. Бу юбилейга қилинган кичкинагина совғам бўлади.

Р. УСМОНОВА.
Тошкент тўқимачилик комбинати ил янгириш фабрикаси ил янгириш ва калавалаш цехининг инструмент-ишчисис.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР қишлоқ ҳўжалиги министрининг коллегияси билан қишлоқ ҳўжалиги ва тайёрлаш ишчи ҳамда хизматчилари касабасоюзи Марказий Комитетининг Президиуми қишлоқ ҳўжалигига 1966 йили Бутуниттироқ социалистик мусобақасининг якуналарини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Тошкент областидан қўйидагиларни ғолиблар деб топишга ҳамда СССР Ми-

нистрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини ва пул мукофотларини беришга қарор қилдилар.

Тошкент область Бўна районидеги «Гулстон» колхозига.

Республика қарамоғидеги давлат корхоналари ва ташкилотларидан:

Тошкент областидаги «Чипоэ» совхозига.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИИ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА
МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чўқур қайғу билан маълум қиладиларки, 1919 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистонда революцион воқеалар ва социалистик неғиздаги қайта ўзгаришларнинг актив қатнашчиси республиканинг энг кекса журналисти, иттифоқ аҳамиятига мўлик шахсий пенсионер Степан Семёнович Черник узоқ давом этган оғир касалликдан кейин шу йил 28 марта вафот этди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИИ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЯЙЛОВДА



Шу кунларда Юқори Чирчиқ районидеги Свердлов номи колхоз яйловларида қўзлатиш кампанияси қизғин бошланиб кетди. Илгор чўпонлар қўз олинши намунади ўтказмоқдалар. Ҳозиргача уч мингта қўз олинди. 7200 бош қўйга эга бўлган бу колхозда жамоат чорвачилиги тобора ривожланмоқда. Суратда: 1. колхознинг бош агрономи, қишлоқ ҳўжаликчилари кандидат Сусан Пак ва чўпонлар бригадери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дин Себ Пак ўртоқлар янги тўғилган қўзни қўздан кечирмоқдалар. 2. Яйловда қўй-қўзилар яратиб боқилмоқда.

Г. Пун фотолари, (ЎЗАТАГ-фотохроникаси).

